



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 7 сентябрь, № 192 (7972)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни фармацевтика тармоғида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Ўртимизда фармацевтика бўйича катта имкониятлар бўла туриб, ундан тўла фойдаланилмас эди. Охириги йилларда бу тармоқ "драйвер"лардан бири сифатида белгиланиб, изчил ривожлантириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 майдаги Фармонига мувофиқ, Нукус, Зомин, Косонсой, Сирдарё, Бойсун, Бўстонлиқ ва Паркентда фармацевтикага ихтисослаштирилган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган эди. Уша йили 7 ноябрдаги Фармонга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тузилди. Доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, инвестициялар жалб этиб, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кенг шароитлар яратилди.

Буларнинг натижасида сўнгги беш йилда 71 та янги корхона ташкил этилиб, 2 минг 500 дан ортиқ турдаги дори воситалари, 241 турдаги тиббий буюмлар ва 78 турдаги тиббий техника ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қариб 2 баробар ошди.

Лекин бу натижалар ҳали етарли эмас. Бугунги кунда маҳаллий корхоналар ички бозор талабини натурал ҳажмда 55 фоизга таъминламоқда, холос.

Келгуси беш йилда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Тақдиротда ана шу лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, жами 1,25 миллиард долларлик 104 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. Уларнинг натижасида 376 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, 84 миллион долларлик экспорт қуввати яратилиши ҳисоб-китоб қилинган. Энг муҳими, 9 мингта яқин кишилар иш билан таъминланади.

Президентимиз бу лойиҳаларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини таъкидлаб, уларни жаддалаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдиротда маҳаллий доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз ҳудудида 750 турдаги доривор гиёҳлар ўсади. Улардан фойдаланиб, дунё бозоридида харидориги табиий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳамма шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги қарори билан ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар белгиланди, муайян ҳудудлар доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилди. Бу йўналишда 19 та корхона ишга туширилди.

Лекин 750 турдаги доривор ўсимликлардан фақатгина 70 таси маҳаллий корхоналар томонидан фаол ишлатилмоқда.

Президентимиз юртимиздаги доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш орқали экспортни 15 миллион долларга етказиш ва 5 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади. Мутасаддиларга шу йўналишдаги кластерлар фаолиятини йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бунда доривор ўсимликларни етиштириш учун ер майдонларини ажратиш, уруғчиликни ривожлантириш, агрономларни тайёрлаш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол бозорларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Соҳадаги яна бир йирик лойиҳа — "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластеридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 январдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу замонавий марказ Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилмоқда. Хусусан, фармацевтика университети, фармакопея маркази, илмий-тадқиқот маркази, экспертиза маркази, лабораториялар, виварий ва илмий-тажриба ишлаб чиқариш биноси қурилмоқда.

Шунингдек, бу ерда 140 миллион долларлик 7 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдиротда биофармацевтик дори воситаларини ўзлаштириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Ўртимиздаги корхоналарда 3 мингдан ортиқ номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, улар, асосан, бир компонентли, мураккаб бўлмаган дори воситаларидир.

Шу боис Президентимиз онкологик, гормонал, кон препаратлар, вакциналар каби инновацион биотехнологик дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат харидлари орқали маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, халқаро стандартлар асосида тайёрланаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш соддалаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Илм-фан ва саноат корхоналари кооперациясини ривожлантириш, замонавий билимларга эга малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳани янада ривожлантириш борасида алоҳида дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

## ЖАСОРАТ, МАТОНАТ ВА ЮРТГА САДОҚАТНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган XVI Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз Ислон Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.



Жорий йилда Ўзбекистон фарзандлари халқаро спорт мусобақаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқдаки, уларнинг номи мустақил юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилляпти, десак, асло муболага эмас. Яқиндагина Токио шаҳрида уюштирилган Ўзги Олимпиада ўйинларида вакилларимиз учта олтин ва иккита бронза медалга сазовор бўлиб, мустақиллигимизнинг 30 йиллигига

ажойиб совға ҳозирлашган эди. Улар бошлаб берган галаба эстафетасини паралимпиячиларимиз давом эттирди. Айнан Япония мезбонлик қилган XVI Паралимпия ўйинларида атлетларимиз жасорат, матонат, мардлик ҳамда юртга садоқат намунасини кўрсатиб, Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшди.



## БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГЛАДИ

Янги ўқув йилининг ўзига хослиги нимада?



Ўртимизда ёз фасли тугаб, таълим масканларида янги ўқув йили бошланди. Таълимни мароқли ўтказган болалар жонажон мактабига ошақлади. Устозлар меҳри, дўсту ўртоқлар соғинчи, қадрон китоблар, ўқув қуроллари уларнинг қалбига ҳаяжон солади. Айниқса, биринчи синф ўқувчилари учун орзиқиб кутилган давлар... Биринчи қўнғироқ улар ҳаётида янги давр бошланганидан дарак беради.



Таълим

Фуқаролар, кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинаётган барча муаммолар эътибор қаратишни талаб этади. Уларни инкор қилиш мумкин ҳам эмас. Албатта, жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига бепасанд муносабат, коррупция билан боғлиқ ҳолатларга бепарво қараб бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### БИР-БИРИГА ҚАРАМА-ҚАРШИ ҲУЖЖАТЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИНING ОЛДИ ОЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Президентини ва Ҳукумат томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Солиқ кодекси меъёрига мослаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у билан амалдаги Солиқ кодексига бир қатор қўшимчалар киритилмоқда.

Унга кўра, Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизирик, Музробот ва Шеробод туманларида янгидан ташкил этган ҳолда шу ҳудудларда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик

субъектлари 2024 йил 1 январга қадар юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларини тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, вилоятнинг тоғли ва ерлари шўрланган ҳудудларида янгидан ташкил этилган ва шу ҳудудларда рўйхатдан ўтган ҳолда фао-

лият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, айланмадан олиннадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларини тўлашдан озод қилинади ҳамда фойда солиғи ставкалари белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтириб ҳисобланади. Бунда Сурхондарё вилоятининг тоғли ва ерлари шўрланган ҳудудлар рўйхати маҳаллий Кенгашлар томонидан тасдиқлаб бериллади.



## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда комиссия Раиси З. Низомхўжаев олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари мажлис кун тартибидидаги биринчи масала — Президент сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш масаласини кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги МСҚ қарорига мувофиқ ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан 9 нафар халқаро кузатувчи рўйхатдан ўтказилди.

Қайд этиш жоизки, шу кунга қадар аккредитациядан ўтказилган халқаро кузатувчи-

лар сони 12 нафарга етди. Қабул қилинган қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинган халқаро ташкилот кузатувчиларига белгиланган намунадаги мандатлар тайёрланади.

Шунингдек, мажлисда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги МСҚ қарорига мувофиқ 25 нафар маҳаллий ОАВ вакили рўйхатдан ўтказилди. Қайд этиш жоизки, шу кунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари сони 802 нафарни, хорижий ОАВ вакиллари сони 48 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис сўнггида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.

## АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

"Тўполан" сув омборидан Сурхондарё вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича амалий ишларга киришилди.

### Бунёдкорлик

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 1-2 июнь кунлари, Сурхондарё вилоятида қилган ташрифи чоғида вилоят аҳолисини "Тўполан" сув омборидан тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича кўрсатма берган эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳа дастлаб 2012 йилда ҳам ўрганилган, аммо молиялаштиришининг

имкони бўлмагани боис тўхтатилганди. Ва ниҳоят, Президентимизнинг ташаббуси билан сурхондарёликлар ҳаётида муҳим из қолдирувчи амалий ишларга киришилди. Лойиҳа қисқа фурсатда мутахассислар томонидан жойига чиққан ҳолда бир неча бор ўрганилди. Хориждан соҳа илгорлари ҳам жалб этилди.



## ИЛЛАТДАН УЗОҚ БЎЛГАН ИСКАНЖАГА ТУШМАС

Эзгу ишларга ёвузлик дахл қилса, ҳалолнинг зидди ҳаромдир. Шариятимизда ҳам ҳалолликка катта аҳамият қаратилган: "Аниқ баён қилинган ҳалол ва ҳаром нарсалар ўртасида шубҳали нарсалар ҳам мавжуд бўлиб, қимда-қим ўша шубҳали нарсалардан ўзини тийса, у дини ва обрўсини сақлабди". Яъни рибо (судхўрлик) ҳаром қилинган бўлса, ундан эваз қилиб, ҳалол тижоратга рухсат берилган.

### Қарор ва ижро

Ҳалоллик инсон табиатидаги энг гўзал туйғу бўлиб, киши мана шу туйғу орқали ўзгаларнинг меҳр-муҳаббатини қозонади. Бу хислат ҳаётга барака ёғдиради, халқни

бойитади. Жамият ривожига тўсиқ бўлувчи айрим камчиликлар борки, баъзан унга қарши доимий курашишга тўғри келади. Афсуски, ўзбек халқи йиллар давомида ана

шу иллат билан ёнма-ён яшади. Коррупция барча соҳа, тармоқларга бееён кириб борди. Ва у шу қадар илдириб отдики, ҳатто турмуш тарзини маънавий ҳалолликка даъват этиб, ҳаром йўллар билан бойлик орттириш, ўзгалар ҳақида хиёнат қилиш каби ёмон иллатлардан сақланишга чорлайди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим ўз маърузаларида, мулоқот ва сўбатларида халқимизни ҳалолликка даъват этиб, ҳаром йўллар билан бойлик орттириш, ўзгалар ҳақида хиёнат қилиш каби ёмон иллатлардан сақланишга чорлайди.





# ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ДЕБАТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан фракциялараро дебат ташкил этилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан фракциялараро дебат ташкил этилди.

## Фракцияларда

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги беш йилда мамлакатимизда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, канализация хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди, соҳанинг таъминоти ҳақида асосли раёти яратилди, молиявий манбалари таъминлаб берилди. Олиб бориладиган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 69 фоизи ичимлик суви, 17 фоизи оқова сув хизматлари билан таъминланди. Соҳада хизмат кўрсатиш учун алоҳида вазирилик ҳамда "Ўзсувтаъминот" АЖ ва Ичимлик суви билан таъминоти назорат қилиш инспекцияси, 18 та сув таъминоти ташкилоти ҳамда уларнинг 193 та филиали фаолият юритмоқда. Шунингдек, 9466 та сув иншооти, 80,6 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 11621 та насосдан фойдаланилмоқда. Бироқ бугунги ривожланиш даражасида аҳолига ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари

кўрсатиш бўйича кўрсаткичлар давр талабидан ортада қолимоқда, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Хозирда соҳа "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг айрим декларатив таъминотидаги нормалари ҳамда 20 дан ортиқ қонуни ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Ушбу тарқоқ ҳуқуқий ҳужжатларда соҳани тўлиқ тартибга солувчи, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тартиб ва меъёрлар тўлиқ акс эттирилмаган. Шундан келиб чиқиб, "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга киритиш учун Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ва ишчи гуруҳи томонидан такомиллаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан ичимлик суви ва оқова сув хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиленди. Сув таъминоти ташкилотларининг мажбуриятлари эса мустақамланмоқда. Тадбирда қонун лойиҳасининг пишиқ-пuxта бўлиши учун ундаги нормалар Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракция аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳасида соҳани ривожлантиришда бозор механизмига, жумладан, давлат-хусусий шериклики жорий этилиши йўналтирилган моддаларни қўйиштириш ҳамда ичимлик суви ташйидиган транспорт воситаларига лицензия бериш аҳолига етказиб бериладиган ичимлик суви нархининг суъий равишда кўтарилиб кетишига сабаб бўлиши мум-

кинлигини эътиборга олган ҳолда, истеъмолчилардан воз кечиш тақлифини илгари сурди. "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари бугунги кунда сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомнинг сустилиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келаётгани ҳамда истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний улашчи ҳолатлари кўпайиб қузатилаётгани сабабли соҳада хизмат кўрсатиш ва хизматдан фойдаланиш борасида интизомни тартибга солувчи нормалар билан бойитиш тақлифини берди. Шунингдек, истеъмолчиларнинг гуруҳга ажратишни аниқлаштириш, истеъмолчиларни қувурларга улаш учун тегишли шарт беришни соддалаштиришга қаратилган ҳуқуқий нормани қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари соҳани ривожлантиришда мақсадли давлат субсидияларини йўналтириш, тизимда давлат ижтимоий буюртмаларини амалга оширишда узоқ хулаларда жойлашган кичик овул ва қишлоқларни қайта тиклаш учун энергия манбаларида фойдаланган ҳолда ичимлик сувини тайёрлаш қурилмаларини жорий этишни қўллаб-қувватловчи нормалар билан бойитиш тақлифини илгари сурди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси томонидан эса истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя

қилишга йўналтирилган, хусусан, истеъмолчиларга тўлов асосидан ҳисобланган учун сув таъминоти ташкилотларига нисбатан тегишли молиявий чораларни қўйиштириш ҳамда сифатсиз сув таъминоти натижасида жисмоний шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш механизмини очиб берувчи нормани қўйиштириш тақлифи билдирилди. Шу билан бирга, ичимлик суви ва оқова сув чиқариш тарифларини ўзгартириш ҳақидаги тақлифларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш бўйича ҳуқуқий асосни киритиш тақлифи берилди. Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси депутатлари сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва улар ҳисобини юритишга оид қонун лойиҳасини маромига етказиш, хусусан, сув объектлари ва жой рельефига тозаланган оқова сувларни ташлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тақлифини илгари сурди. Мунозаралар чоғида депутатлар ушбу қонун лойиҳасини янада маромига етказиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаси ҳамда тақлифларини билдирди. Умуман олганда, мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари кўрсатиш соҳасида мукамал ягона ҳуқуқий ҳужжатнинг шаклланишига асос бўлади.

Мунисхон ҚАРИМОВА (Халқ сўзи).

## ХАЛҚҚА КАМАРБАСТА БЎЛИШ САОДАТИ

Кўп миллатли, бағрикенг халқимиз жонажон Ватанимиз истиқлолининг ўттиз йиллик тўйини "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу ғоя атрофида жипслашиб, қатта шоду хуррамлик билан кенг нишонламоқда. Албатта, тинч-осойишта юртга байрамлар ярашади, бундай заминда яшаётган элга шодиденалар татийди.

## Акс садо

Депутат, халқ вакили сифатида одамлар орасида кўп юрмиш. Фуқаролар билан бевосита мулоқотда бўлишимиз. Уларни қийнаб келаётган муаммолари, дарду ташвишларини тинглаймиш. Сайловчилар билан учрашувларда уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, юртимизда барча соҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатидан янги погонасига кўтарилиб бораётгани ҳамда буни халқимиз ўзининг кундалик ҳаётида тўлақонли ҳис қилган ҳолда, эътироф этаяётганига кўп бора гувоҳ бўлмоқдамиз.



Ўзининг асосий вазифасини, яъни қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориши натижасида Хукуматнинг халқ вакиллари олдидаги масъулияти осиди. Давлат дастурларидан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат кўчатирилди. Депутатлар корпоратив ислохотлар жараёнидаги иштироки сезиларли даражада жонланди.

Бундай ўзгаришларнинг туб илдизини, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларда, деб биламан. Буни шахсан ўзим кейинги йилларда давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини қўчатириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мисолида ҳам кўриб, фаолиятимиз сезиб турган депутат сифатида ҳам қатъий ишонч билан айта оламан. Чунки, айнан мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар туфайли парламентимиз фаолиятида очиқлик ва шафқатлик бош мезонга айланди.

Ўнгу улуг, энг азиз байрам арафасида ўзининг бетиним меҳнати билан халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган улкан ишларга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи депутатларимиз ҳам давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотланди. Ростини айтиш, улар қаторида менинг ҳам камтарин меҳнатим эътироф этилиб, "Шўхрат" медали билан тақдирланганим беҳад қувончли воқеага айланди. Ушбу эътироф мени ҳамда руҳлангилар, қалбимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туғулган янада қўчатириб юборди.

Даржақат, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда биз, депутатлар ҳам юксак дахлдорлик ҳисси билан, ислохотларнинг том маънодаги ташаббускори, мададкори бўлиш учун бор қувватимиз, салоҳиятимизни ишга соламош. Ўзбекистонни ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айлантиришда ютуқларимиз бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард, саховатли, бағрикенг ҳамда олижаноб халқимизга ҳамда давлатимиз раҳбарига камарбаста бўламош.

Мухтабар ҲУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Шўхрат" медали соҳиби.

## БИР-БИРИГА ҚАРАМА-ҚАРШИ ҲУЖЖАТЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Қайд этилганидек, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳолида оқибатида зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари 2020 йилнинг 1 майидан 2022 йилнинг 1 ноябрга қадар юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади. Бунда зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари

рўйхати маҳаллий Кенгашлар томонидан тасдиқланади. Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида амалиётда бир-бирини зидловчи қонун ҳужжатлари юзага келишига йўл қўйилмайди. Энг муҳими, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли орасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар хил талқин қилинишининг олди олинади.

«Халқ сўзи».

## ҲАММА АЙТГАН ГАП БЎЛСА ҲАМ, АЙТАМАН...

...Уша кунни кеч соат 10 ларда уйга қайтаётган эдим. Шу вақтда ижтимоий тармоқлар орқали менга табриклар кела бошлади. Мустақиллик байрами билан табриклар бўлса керак, деб ўйладим. Кўзим тушди-ю, ўқишга имконим бўлмади. Уйга етиб бориб, хабарларни ўқидим, уларда муқофот ва орден ҳақида гап кетганди. Шунда Фармонни қидириб топиб, ўз қўларим билан исм-шарифимни ўқимагунча ишона олмадим. Сабаби қутилмаган бу хабар мени шошириб қўйди.

## Муносабат


Адамшадиммикан, деган хаёл ҳам йўқ эмас эди. Хурсандчилигимни оила аъзоларимга ҳам айтдим. Улар билан баҳам кўрдим. Ҳамма айтган гап, деб ўйлар-сиз. Лекин бу муқофот берилгандан кейин ҳажон билан бирга ўзимда жа-вобарлик, масъулият янада ошганини ҳис қилганман. Бу шарафга, эътирофга муносиб бўлишим керак, деган ўй-хаёллар оғушида юрибман. Режалар тузганман, мақсадлар қиялганман. Ишимга бошқача кўз билан қараб, янгиликлар қилишим ёки фаолиятим сифатини оширишим керак, каби ўйлар ҳам йўқ эмас. Очиги, муносиб бўлиш ҳақида бош хотирланган.

Чунки бугун бизнинг қўмитамиз олдида қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Айниқса, банк ва кредит ташкилотлари фаолиятини жонлантириш билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш, уларнинг ишчи ривожлантириш масалалари устувор саналади. Қўмитамиз шу кунларда соҳага алоқадор қонун-биринчи ўқишда мажлисга олиб чиқиш устида ишляпти. Лойиҳани чуқур ўйлаб, белгиланган топшириқларни инобатга олган ҳолда пухта шаклда тайёрлаш лозим.

Шунингдек, солиқ сиёсати бўйича ҳам ташаббуслар қўтилмоқда. Солиқ кодекси амалиётга жорий этилган. Бироқ унга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳам талаб этилмоқда. Масалан, солиқ маъмуричилигига таллуқли бўлган, солиқ ставкалари ва улар қай даражада тадбиркорлар талабларига мослигини ўрганган ҳолда тақлифлар тайёрлаш кўзда тутилган. Солиқ юки бизнес эгаларини қанчалик қониктиряпти ва бюджетга даромадлар тўлақонли тушишини назорат қилиш ҳам бевосита вазифаларимиздан саналади.

Бу янгиланишларнинг асоси кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишчил ва кенг кўламли ислохотлар, айниқса, иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини мувозанатли ривожлантиришга бориб тақаллади. Биргина иқтисодиёт соҳасини олсак, ўтган қисқа давр мубайнида тармоқда тизимли иш-

ларнинг йўлга қўйилиши уни мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, миллий валютасиз — сўннинг эркин конвертацияси жорий этилгани, солиқ ва бюджет сиёсатининг янги асосда шакллантирилгани, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш янада қўчатирилгани, улар фаолиятини режадан ташқари, мўқобил текширишларнинг бекор қилинганлиги — миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга, тармоқ-



635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, "Ипотек-банк" АТБнинг 785 миллиард сўмлик ва "UzAuto Motors" акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эллик инвесторларга сотилди.

ларнинг юқори бюджетларга бўлган боғлиқлигини кескин қамайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет маблағларини ошқаришдаги мустақиллиги ва масъулиятини қўчатиришга қаратилган чора-тадбирлар барча бўйлабда бюджетларнинг барқарорлигини таъминловчи тизимни яратишга қўйиладиган, Давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш билан боғлиқ ислохотларга бефарқ бўлмастик, уларнинг такомиллаштиришга бир оз бўлса-да хисса қўлиш биз, депутатлар учун ҳам фарз, ҳам қарз, деб ҳисоблайман. Муқофот ва эътиборни эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш ва иш сифатини ошириш учун берилган рағбат деб биламан.

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби.

## ОҲИРГИ БЕШ ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА НИМАЛАРГА ЭРИШДИК?

Сўнгги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам улкан ишлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Хусусан, аграр соҳада бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қулай агробизнес муҳити ва қўйиладиган қўйимат замирини яратиш, шунингдек, соҳани сановатлаштириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш, илгор технологияга асосланган инфраструктура яратиш учун ишлаб чиқаришнинг замонавий шакллари — кластер ва кооперация тизими жадаллик билан ривожлантирилди.

## Мушоҳада

2017 — 2021 йиллар давомида барча йўналишда 651 та агрокластер ҳақида 43 та мева-сабзавотчилик кооперацияси фаолиятини самарали йўлга қўйилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Шу кластерлар томонидан жами 1,8 млрд. доллар инвестициялар жалб қилинган, айниқса, эътиборга молик. Пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойиллари жорий этилгани соҳа муваффақиятидаги яна бир муҳим омилдир. Эътибор қилинг: соҳага илм-фан, инновация ютуқлари ҳамда илгор технологиялар кенг татбиқ этилиши натижасида

рида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви ҳисобига фойдаланишдан чиқарилган ерлар босқичма-босқич қайтарилмоқда. Масалан, 2019 йилда 72,5 минг гектар, 2020 йилда эса 101,8 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Бу ишлар жорий йилда ҳам илчил давом эттириляпти. Аниқ айтганим бўлса, 2021 йилда жами 320 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш, лалми ва қийловларни ўзлаштириш режаларини қўйиб, бугунги кунга қадар республика бўйича 189 минг гектар ер қайта ўзлаштирилди. Бунинг учун 1169 млн. сугорилиш тармоқлари қурилди, 336 км. коллектор тармоқлари таъмирланди, 895 донна сугорилиш қудуги ва 187 донна насос агрегати ўрнатилди ҳамда 1706 км. электр узатиш тармоқлари тортилди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, фойдаланишга киритилган 189 минг гектар майдонда мевали боғлар ва узумзорлар яратилди, сабзавотлар, дуккакли ва мойли экинлар, турли поливлар, шולי ва бошқа экинлар экилди. Йил якунигача фойдаланишга киритилган ер майдонларини 494,4 минг гектарга етказиш кўзда тутилмоқда. Республикада мавжуд шўрланмиш ва мойил сугориладиган ер майдон-

## СОЛИҚ КОДЕКСИГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ?

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ юкини енгилаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тадбиркорлар ва аҳоли учун қандай енгиликлар яратаётганини тушуниш учун соҳа одами бўлиш шарт эмас. Бунинг учун ён-атрофга тيران назар ташлашнинг ўзи kifoya. Муҳими, бу борадаги ишлар энчилик билан давом эттириляпти.

## Фикр

Олий Мажлис Сенатининг 26-27 август кунлари бўлиб ўтган ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик. Қонуннинг аҳамияти ҳақида гап кетганда, аввало, у олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, бюджет жараёнларининг очиқлигини таъминлаш, республиканинг олис хулудларини ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Президент Фармон ва қарорларидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаш зарур.



да жойлашган манзиллари учун (Фаргона вилоятининг Сўх тумани, Риштон туманининг "Чўнғара" маҳалла фуқаролар йиғини, шунингдек, Фаргона туманининг Шохимардон, Ёрмон маҳаллалари ва Хосилов маҳалласининг "Таштеша" кишлоқ фуқаролар йиғини) Солиқ кодексида белгиланган солиқ ставкаларидан қатъий назар, солиқ ставкаларини қўлланнинг ўзига хос хусусияти белгиланаётганлиги мазкур қонуннинг яна бир янгилигидир.

Ушбу ҳужжатда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ва коронавирус пандемиясининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган бир қатор мақсадлар назарда тутилган. Жумладан, қонунда белгиланган меъёрлар коронавирус пандемияси ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда аҳоли даромадини оширишга, олис ва чекка хулудларда жойлашган бюджет ташкилотларига ишга боришни истайдиган олий таълим муассасалари битирувчилари сонини оширишни рағбатлантиришга хизмат қилди.

Ушбу ҳудудларда фойда солиғи, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, юридик шахслар учун ижтимоий солиқ (бюджет ташкилотлари бундан мустасно), айланмадан олиннадиган солиқ турлари бўйича 1 фоиз миқдорда солиқ ставкаси қўлланадиган, қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи амалда ҳар ойда тўланадиган 25 000 сўм ўрнига ҳар чоракда 25 000 сўм миқдорда тўланади.

Қолаверса, яқна тартибдаги таълим муассасалари битирувчилари сонини оширишни рағбатлантиришга хизмат қилди. Алоҳида қайд этиш лозимки, қонунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир шаҳар ва туманининг ўзига хос "Ўсиш нуқтаси", деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича солиқ имтиёзини қўллаш назарда тутилмоқда. Аниқ айтганим бўлса, қонунда Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2024 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир шаҳар ва туманининг ўзига хос "Ўсиш нуқтаси" деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик қорхоналар айланмасидан олиннадиган солиқ, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади.

Қолаверса, яқна тартибдаги таълим муассасалари битирувчилари сонини оширишни рағбатлантиришга хизмат қилди. Алоҳида қайд этиш лозимки, қонунда Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2024 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир шаҳар ва туманининг ўзига хос "Ўсиш нуқтаси" деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик қорхоналар айланмасидан олиннадиган солиқ, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан аниқланган рўйхат бўлган ҳудуддаги шароити оғир бўлган 45 та маҳалла ва овулда янги очилнадиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари ҳам фойда солиғидан 2026 йил 1 январга қадар озод этилади.

Пенсия ва нафақани тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-

рида фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-

рида фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-

рида фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-

рида фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-

рида фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-

рида фуқаролар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия олиши учун ўз даромадидан иктиёрий равишда йилга базавий хисоблаш миқдорининг камида бир баравари даражасида иктиёрий тартибда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмаётгани ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ҳудуди-



Президентимиз “Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзини айлантириши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”, дея қатъий таъкидлади.

**«Халоллик вақтинаси» қалбда бўлсин**

Юртбошимиз давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлардан оқ юрт раҳнақига тўқинлик қилувчи бундай иллатга қарши мурасасиз кураш бошлади. 2017 йил 3 январь куни мамлакат раҳбари томонидан имзоланган илк ҳужжатлардан бири — “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун эълон қилинди. Шу тариха янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Коррупциянинг олдини олиш ва умуман, у ёки бу соҳада коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган 70 дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Коррупция иллатини таг-томири билан кўпориш, ҳар бир давлат хизматчисига “халоллик вақтинаси”ни жорий этиш, бюджет маблағларининг талон-тороҳ қилинишига йўл қўймаслик давлатимиз раҳбарининг доимий назоратида бўлиб турибди, тизим масъулали олдига аниқ вазифалар юқлатилмоқда. Юртбошимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида миллат ривожига тўсиқ бўладиган коррупция иллатига қарши курашишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Хусусан, буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг уғитлари яна бир бор эсга олинб, давлат ҳокимияти бошқарувидаги раҳбарлар ва масъулларнинг адолатли, ҳақгўй бўлишлари муҳим экани айтилди. Чунки коррупцияга қарши курашишда турли соҳаларда халққа хизмат қилаётган мансабдор шахсларнинг қалбда поклик, тилида ҳақиқат бўлмаса, натижага эришиб бўлмайди.

Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, албатта, жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига бепиёсанд муносабат, коррупция билан боғлиқ ҳолатларга беларво қараб бўлмайди. Тизимли тус олинган ёки жузъий муаммо бўладими, уларнинг барчасига дарҳол муносабат блдириб, тағи-ға етиш ва ҳал этиш зарур.

Утган вақт давомида мазкур йўналишдаги ишларни тизимли равишда амалга ошириш зарур. Хусусан, 2020 йил 29 июнда соҳа ривожига туртки бўладиган икки муҳим ҳужжат — Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун махсус ваколатли орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлигига асос солинди.

**Мурожаатлар — эл дарди, халқ муаммоси**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида коррупцияга қарши курашиш ва коррупцияни бартараф этиш бўйича кўмиталар фаолияти йўлга қўйилди. Барча даражадаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмийлик ва бюрократия-

ларнинг юз бераётгани билан боғлиқ масалалар акс этган.

Албатта, ҳар қандай амалиёт қонун билан мустаҳкамлангандагина ўз самарасини беради. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган топшириқларга мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, жумладан, 7 та қонун ҳамда Президентнинг 2 та Фармони ва 4 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ҳамда 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди.

Тузилма томонидан лойиҳаси ишлаб чиқилган ва шу йилнинг 16 июнь кунин Президент томонидан имзоланган “Дав-

# ИЛЛАТДАН УЗОҚ БЎЛГАН ИСКАНЖАГА ТУШМАС

яга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги иш бошлади. Марказлашган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали аҳолига 150 дан ортқ турдаги давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Агентликнинг асосий фаолият йўналишларидан бири аҳоли мурожаатлари

лат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон мамлакатда очиклик сиёсатини олиб боришда муҳим ҳуқуқ асослардан бирига айланди.

Унга қўра, агентлик зиммасига Ўзбекистонда давлат органлари ва ташкилот-

маблағлари, хорижий ва халқро молия ташкилотлари томонидан ажратилган маблағларнинг сарфланишининг очик ва ошқоралиги мониторингини доимий равишда олиб бормоқда. Ана шундай мониторинг тадбирларида республика бўйича 450 дан ортқ тендер танловларида давлат харидлари ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилгани аниқланиб, ушбу танловларни бекор қилиш ва айбдорларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари кўрилиши таъминланди.

Шунингдек, жорий йилнинг шу даврига қадар давлат харидларини амалга оширишда қонунчиликка риоя этиш, бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини назорат қилиш бўйича Қашқадарё, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятлари,

Бугунги кунга қадар замонавий комплаенс-назорат тизимининг йўлга қўйилиши натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Биргина халқ таълими тизимида жами 78 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар, ноқонуний ўзлаштиришлар аниқланиб, қонуний чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилган. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 214 нафар мансабдор шахсга нисбатан илтизомий жазо чоралари қўлланилди, 34 нафар масъул мансабдор эғаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида эса 16 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланиб, 22 миллиард сўм бюджет маблағлари мақсадсиз сарфла-

лар билан биргаликда янги тахрирдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Молия вазирлигининг Ўқув марказида ташкил этилган малака ошириш курсларига ҳозирга қадар 1 миң 21 нафар ходим жалб қилинди.

Агентлик томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда коррупциянинг олдини олишга қаратилган 12 миң дана эслатма ҳамда 12 миң дана тарғибот-ташвиқот материаллари тайёрланди, ҳар бири табиёт муассасасининг аҳолининг танишиб чиқishi қулай бўлган жойларида жойлаштирилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция ҳолатлари бўйича фуқаролар томонидан шикоят қилиш имконини берувчи “1203” қақса рақами ишга туширилди.

Айни пайтда тижорат банкларида ҳам “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

**Хорижий ҳамкорлик**

Бу борадаги ишларни амалга оширишда агентлик халқро ҳамкорлик доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Европа Иттифоқи делегацияси ваколатхонаси, Европа кенгаши ҳамда АҚШ Давлат департаментининг наркотиклар ва ҳуқуқни қўллаш устидан назорат қилиш бюроси, АҚШ Халқро тараққиёт агентлиги, Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси ва Словениянинг “Минтақавий мулоқот” халқро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Конрад Аденауэр жамғармаси, Қозғистон ва Тожикистон давлатларининг коррупцияга қарши курашуви идоралари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, АҚШ, Малайзия, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Словения, Россия ҳамда Украина каби мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон “Transparency International” халқро ноҳуқумат ташкилотининг “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингинда икки йил ичида 12 поғона кўтарилиб, Марказий Осиё минтақасида коррупцияга қарши курашишда энг барқарор кўрсаткични намоён этмоқда.

Умуман олганда, бу бошланиши, ҳолос. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бундан буёнгина аша шундай қатъият билан давом эттирилади. Айни пайтда агентлик халқро экспертлар билан биргаликда коррупцияни қабул қилишнинг миллий индексини ишлаб чиқиш бўйича иш олиб бормоқда. Ҳар йил яқини бўйича эълон қилинадиган мазкур индекс мамлакатдаги коррупция даражаси ҳақидаги реал ҳолатни очиб бериш баробарида, олиб борилаётган ишлар самарасини таҳлил қилиш ҳамда ушбу иллатга қарши курашишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

**Ақмал БҲҲОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори.**

*“Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган топшириқларга мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, жумладан, 7 та қонун ҳамда Президентнинг 2 та Фармони ва 4 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ҳамда 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди.”*

билан ишлаш, уларда кўтарилган ҳар бир ҳолатни таҳлил қилишдан иборат бўлиш ҳолда, аввало, тизимда туб ислохотлар амалга оширилди. Мурожаатлар билан ишлаш жараёнида агентликка 4 миңдан зиёд мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан деярли барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган. Мурожаатлар ижобий ҳал этилиб, ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилган, 69 та мурожаат аноним деб топилган.

Ушбу мурожаатларнинг аксариятида суд-ҳуқуқ соҳасидаги муаммолар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва турли соҳаларда коррупциявий ҳолат-

лари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш вазифаси юқлатилди ҳамда тузилма таркибида Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Эндиликда республика, вилоят ва туманлар даражасидаги барча давлат идораларига ишга қабул қилиш, давлат харидларини амалга ошириш, бюджетни шакллантириш ва ушбу маблағларнинг сарфланишини жамоатчиликка очик эълон қилиб бориш амалиёти кенг жорий этилади.

Бугунги кунда агентлик давлат харидлари, шу жумладан, Давлат бюджетни

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ**

**«Ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялашда ҳамда бандлигини таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш» мавзуси бўйича давлат грантларини ажратиш учун учинчи танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Манзилли қўллаб-қувватлаш дафтларига киритилган ёшларни чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишига қўмаклашиш.
2. Ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат тўғрисидаги шакллантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш.
3. Буюк аждодларимизнинг ватанпарварлик ва тараққиётпарварлик тўғрисидаги бой маънавий-маърифий меросини ёшлар онгига сингдириш.
4. Манзилли қўллаб-қувватлаш дафтларига киритилган ёшларни “Беш муҳим ташаббус” доирасида ижтимоий фаоллигини оширишга қўмаклашиш.
5. Учинчи Ренессанс ғоясининг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатлами, айниқса, ёшлар тафаккурига сингдириш.
6. “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва инсон ҳуқуқлари борасидаги билимларини юксалтириш.
7. Нотинч, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини, уюшмаган, тарбияси оғир ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш.

8. Чекка ва чегара ҳудудлардаги маҳалла, овул, таълим муассасаларида ва жамоат ташкилотларида ёшларнинг маънан ва жисмонан етук инсон бўлиб камол топишига қўмаклашиш.
9. Ёшлар ўртасида эрта никоҳ, эрта туғуруқнинг олдини олиш, оиланинг муқаддас қадриятларини уларнинг тафаккурига сингдириш.
10. Муқаддас сулданган, уюшмаган, тарбияси оғир ёшларнинг жамиятга қайта ижтимоий интеграциясига қўмаклашиш.
11. Ногиронлиги бўлган, уюшмаган, тарбияси оғир, кам таъминланган, чин етим ёшларни қайта касбга тайёрлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш ва бандлигини таъминлаш.
12. Турли ҳуқуқбузарликларга мойил ёшларни, вояга етмаганларни маънавий-маърифий, ахлоқий тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш.

**Давлат гранти ажратиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
2. www.foundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг Устави (Низомини) ҳамда гувоҳномасининг нусхалари.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси.
5. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 40 миллион сўмгача. Ҳужжатлар **2021 йил 25 августдан 28 сентябргача** қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳқўчаси, 1-уй.

**Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.foundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.**

**ЭЪЛОНЛАР**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**2022 йилга куйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул эълон қилади:**

- 08.00.06 — “Эконометрика ва статистика”
- 08.00.07 — “Молия, пул муомаласи ва кредит”
- 08.00.08 — “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”
- 08.00.13 — “Менежмент”
- 08.00.14 — “Иқтисодийётда ахборот тизимлари ва технологиялари”

**Ҳужжатлар 2021 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.**

**Талабдорлар тақдим этадиган ҳужжатлар:**

- ариза;
- қисқача биография маълумотнома;
- меҳнат дафтрасининг нусхаси (ишлаётган талабдорлар учун);
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати: (PhD) камида 1 та мақола ва 2 та тезис нусхаси (DSc) 3 та мақола ва 2 та тезис нусхаси;
- илмий раҳбар (консултантнинг ёзма розилиги);
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- паспорт нусхаси;
- 6 та фотосурат (3х4см. ҳажмда).

**Эслатма:** талабдорлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги веб-сайтида (<http://phd.mininnovation.uz>) рўйхатдан ўтгандан сўнг, ҳужжатларни электрон (PDF) вариантда тақдим этади (барча босқичдан муваффақиятли ўтиб, докторантурага ёки таянч докторантурага қабул қилинганлар қоғоз вариантини топширади).

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 60-“А” уй, Тошкент молия институти, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.  
**Телефон:** 71-235-41-83  
**E-mail:** bitp@tifi.uz

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ**

**«Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш» мавзуси бўйича давлат грантларини ажратиш учун тўртинчи танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни кенг тарғиб этишда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш.
2. Оилалар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида мусобақалар ўтказишни ташкил этиш.
3. Маҳаллалар, таълим-тарбия ва меҳнат жамоаларида соғлом овқатланиш маданиятини, санитария-гигиена қоидаларини тарғиб қилиш.
4. «Соғлом аёл — буюк келажак» ғояси асосида хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш.
5. Оилавий ажримлар, ноқонуний ва эрта никоҳларнинг олдини олишда, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш.
6. Ҳудудларнинг санитария-экологик муҳитини яхшилашда, ободонлаштириш ва қўқалам-зорлаштиришда ижтимоий шерикликнинг аҳамиятини ошириш.
7. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.
8. Фавқулодда ҳолатларда аҳолига биринчи ёрдам кўрсатиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш.
9. Фуқароларнинг соғлом ва жисмоний фаоллигини ошириш, пиёда ҳамда тиббий туризмин тарғиб қилиш.

**Давлат гранти ажратиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
2. www.foundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг Устави (Низомини) ҳамда гувоҳномасининг нусхалари.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси.
5. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 40 миллион сўмгача. Ҳужжатлар **2021 йил 25 августдан 28 сентябргача** қабул қилинади. Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳқўчаси, 1-уй. **Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.foundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.**

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ**

**«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларининг маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот лойиҳаларига давлат грантлари ажратиш учун қўшимча бешинчи танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги йўналишлардаги ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:


1. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган шахсларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти даражасини яхшилашга қўмаклашиш.
2. Давлат органлари фаолиятида очиклик ва ошқораликни кенгайтириш, аҳолида маънавий уйғоқлик ва ижтимоий масъуллика асосланган янги-чак дунёқарашни шакллантириш.
3. Самарали ижтимоий шериклик асосида манзилли қўллаб-қувватлаш дафтларига киритилган шахсларга шарт-шароит ва имкониятлар яратиш.
4. Кексалар, ногиронлиги борлар, оғир аҳолга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва муруват кўрсатишда давлат органларига қўмаклашиш.
5. Маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг “ўсиш нуқталари”ни белгилашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмларини йўлга қўйиш.
6. Уй ҳужайиғини янги иш ўринлари яратишга ва даромадлар манбаига трансформациялаш.
7. Ақл, илм-фан, интеллектуал салоҳият, билим ва тажрибани маҳаллаларнинг иқтисодий ривожлантириш нуқтаси ва ресурс манбасига айлантириш.
8. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини жорий этиш.
9. Аҳолининг тиббий маданиятини оширишда ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этишда жамоат ташкилотлари фаолигини ошириш.
10. Жамиятда ҳуқуқий ва ахлоқий савияни, мулоқот маданиятини юксалтириш, маънавий-маърифий, маданий-гуманитар соҳада инсонпарварлик руҳини кучайтириш.
11. Халқ билан мулоқотда ҳамда жойлардаги муаммоларни тизимли ҳал қилишда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш.
12. Нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бой тажрибани, фойдали маслаҳатларини ёшларга чинакам тарбия мактаби сифатида сингдириш.
13. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар — келажакимиз”, “Ҳар бир оила — тadbиркор” каби дастурлар ижросида фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

**Давлат гранти ажратиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
2. www.foundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг Устави (Низомини) ҳамда гувоҳномасининг нусхалари.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси.
5. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларинин



# ЖАСОРАТ, МАТОНАТ ВА ЮРТГА САДОҚАТНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ



Айтиш жоизки, Токио Олимпия ва Паралимпия ўйинлари асгида 2020 йилда ўтказилган керак эди. Бироқ тезор авж олган янги турдаги коронавирус бутун дунёни ўз домига тортди. COVID-19 таъсирини камайтириш мақсадида бутун дунёда ички ва халқаро тадбирлар, жумладан, йирик спорт мусобақалари қаторида ёзги Олимпия ўйинлари ҳам вақтинча тўхтатилди. Шу боис Халқаро олимпия қўмитаси 2020 йил 24 март куни “Токио — 2020”ни 2021 йилга қолдириш бора-сида қарор қабул қилди. Бир йиллик кечиктириш Паралимпия ўйинларини ҳам ўз ичига олди.

...6 сентябрь. Исло Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортига голибларни тантанали кутиб олиш, қутлаш учун давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, паралимпиячиларимизнинг ота-оналари, яқинлари, дўстлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди. Ҳамма ҳаяжонда.

Спортчиларимиз ўтирган авиалайнер Тошкентга қўнган эълон қилинади. Карнай-сурнай садолари янгради. Ҳаво кемасидан тушиб келган музаффар спортчиларимизга зарбоб тўнлар кийдирилди. Йиғилганлар паралимпиячиларимизни олқийлайди.

...Паралимпия ўйинлари голибу совриндорлари, қатнашчилари, мурабий ва устозлар, атлетларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари усти очик автобусларга ўтириб йўлга чиқди. “Тошкент” халқаро аэропортидан “Янги Ўзбекистон” мажмуасига қадар атлетларимизни кутиб олиш учун йиғилганлар уларни қутлади: “Янги Ўзбекистоннинг янги галабалари!” “Баракалла, галаба муборак!”, “Ўзбекистон!” деган ҳайқириқлар янгради.

“Янги Ўзбекистон” мажмуасида ташкил этилган тантанали тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С. Саййид ва бошқалар спортчиларимизни юксак зафар билан табриклаб, бу муваффақиятлар Президентимиз томонидан спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун яратиб берилган беқиёс шарт-шароитлар самараси эканини алоҳида таъкидлашди.

Голиб ва совриндорлар номидан сўзга чиққан Учқун Куронбоев, Гулжаной Наимова ҳамда ота-оналар номидан сўз олган Гузал Тожибоева ёшларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик учун Юртбошимизга самимий мин-

**“XVI Паралимпия ўйинларига 48 спортчимиз 55 та йўланмани қўлга киритган эди. Яқунда эса жамоамиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 19 та медалга сазовор бўлди. Бу эса умумжамоа ҳисобида 162 делегация орасида мусобақани 16-ўринда яқунлашимизни таъминлади. Бу кўрсаткич Осиё жамоалари (Хитой, Япония ва Эрондан сўнг) ва МДХ (Россия, Украина ва Озарбайжондан кейин) мамлакатлари орасида тўртинчи, Марказий Осиёда биринчи ва Туркий кенгашга аъзо давлатлар орасида иккинчи бўлди.”**

натдорлик билдириб, келгусида бундан-да юксак марраларни забт этишга ваъда беришди...

Таъкидлаш лозимки, дунёда кузатиладиган коронавирус пандемияси билан боғлиқ эпидемиологик мураккаб вазиятга қарамастан Ўзбекистон паралимпиячилари тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриши учун барча зарур шарт-шароит яратиб берилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги “2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини муносиб тайёрлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 25 июндаги “2021 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда Олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари паралимпиячиларимизнинг ўқув-масгулот йиғинлари ўтказиш, таърибга ортириш, нуфузли мусобақага йўлланма берувчи беллашувларда муносиб қатнашишини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги эзгу ишларда дастуриламал бўлмоқ-

дан. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши инсонларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга муносабатини ўзгартириш, жамиятда уларнинг

тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йил 18 майда Президентимиз томонидан имзолан-



ган “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор, шубҳасиз, бу борадаги ишларни сифат, мазмун-моҳият жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ҳизмат қилди.

Президентимизнинг мазкур қарори жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар

ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада оширишга ҳизмат қилиши билан ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ҳужжатда барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда иқтидорга эга бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишини таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш кўзда тутилган.

...Бир неча кун диққатимиз марказида бўлган XVI Паралимпия ўйинлари ҳам ўз якунига етди. Делегациямиз ушбу нуфузли мусобақага 48 спортчи билан 55 та йўланмани қўлга киритган эди. Яқунда эса жамоамиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 19 та медалга сазовор бўлди. Бу эса умумжамоа ҳисобида 162 делегация орасида мусобақани 16-ўринда яқунлашимизни таъминлади. Бу кўрсаткич Осиё жамоалари (Хитой, Япония ва Эрондан сўнг) ва МДХ (Россия, Украина ва Озарбайжондан кейин) мамлакатлари орасида тўртинчи, Марказий Осиёда биринчи ва Туркий кенгашга аъзо давлатлар орасида иккинчи бўлди.

XVI Паралимпия ўйинларининг деярли ҳар бир кунидан қувончли хабарлар эшитдик. Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Учқун Куронбоев, Феруз Саидов (дзюдо), Нозимхон Қаюмова, Моҳигул Ҳамдамова, Бобуржон Омонов, Хусниддин Норбеков, София Бурхонова (енгил атлетика), Гулжаной Наимова (таэквондо) олтин медаллари қўлга киритди. Асила Мирзаярова, Нурхон Курбонова енгил атлетика, Рўза Кўзиева пауэрлифтинг, Парвина Самандарова, Довурхон Кароматов дзюдо беллашувларида кумуш, Исло Асланов, Шоҳсанамхон Тошпўлатова сузши, Ўлбёк Султонов, Нурхон Курбонова енгил атлетика, Нафиса

Саидов бу гал олтин медалларни қўлга киритди. Шунингдек, тўрт йил олдин ютук эгаси бўлган спортчиларимиздан Шариф Халилов ва Шоҳсанамхон Тошпўлатова бу сафар ҳам шоҳсупага кўтарилди.

— Президентимизнинг, халқимизнинг ишончи бизга катта куч берди, — дейди мусобақа голиби Учқун Куронбоев. — Паралимпия ўйинларига қатнашишнинг ўзи кишига чексиз гурур бағишлайди. Унда муваффақият қозониш эса қўшалок қувончдир. Ҳалабамизни мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаймиз.

— Президентимизнинг ёшларга эътибори ва ғамхўрлигини доим ҳис қиламиз, — дейди паралимпия ўйинлари голиби Гулжаной Наимовадан онаси Гузал Тожибоева. — Фарзандларимиз эришган ютук ҳам ана шу меҳр ва эътибор мевасидир. Уларнинг муваффақиятидан ҳаммамиз бирдек қувондик. Янги Ўзбекистонга янги галабалар муборак бўлсин!

Тантанали маросимда XVI Паралимпия ўйинларида олтин медалларни қўлга киритган спортчиларимизга Президент совғаси — “Chevrolet Tahoe” автомобили ва Тошкент шаҳридан уч хонали уй совға қилинди. Кумуш медал совриндорларига эса “Chevrolet Traverse” автомобиллари ва Тошкент шаҳридан икки хонали уйлар, шунингдек, бронза медаллар соҳибларига эса “Chevrolet Trailblazer” ва Тошкент шаҳридан бир хонали уйларнинг қалитлари топширилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг “2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда Олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, олтин медаллар соҳибларига 200 минг, кумуш медалларни қўлга киритганларга 100 минг ва бронза медалларга сазовор бўлганларга 50 минг АҚШ доллари миқдоридан пул мукофотлари берилди.

# БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГЛАДИ

## Янги ўқув йилининг ўзига хослиги нимада?



ЎЗА СУРАТЛАРИ.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати маълумотига кўра Ўзбекистондаги 10 083 та умумтаълим мактабида аънаваный шаклда дарслар бошланди. Бу йил мактабларнинг 1-синфига 600 мингга яқин болалар қадам қўйган бўлиб, уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб суммаси, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғалари топширилди. Жорий йилда “Биринчи

қўнғиरोқ” тадбирлари “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” широи ос-тида ташкил қилиниб, унда мактабларнинг илғор битирувчилари, тадбиркорлар ҳамда давлат идоралари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

“Билимлар куни” мактабларда “Мустақиллик дарслари” билан бошланиб, унда халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берилди.

## «Онлайн мактаб» кимлар учун?

Юқорида таъкидлаганимиздек, янги ўқув йили тўлиқ аънаваный тарзда бошланди. Бироқ ўтган йилдан буён бутун дунёни ларзага солиб турган коронавирус балоси ҳали ҳам изғиб юрибди. Юртимизда ҳам янги қараланиш ҳолатлари юз бермоқда.

Бугунги мураккаб вазият ҳисобга олиниб, “Онлайн мактаб” рункидаги телевизион дарслар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг алоҳида телеканаллари орқали бериб берилмоқда. Ушбу телеканалларни телевизордан топиш учун “автокидирув” тугмасини босиш лозим. Рўйхатда “1 — 4-синфлар”, “5 — 8-синфлар”, “9 — 11-синфлар” телеканаллари пайдо бўлади.

Ушбу “онлайн мактаб” кимлар учун? Таъкидлаш жоизки, теледарслар вақтинча мактабга бормаётган

болаларга мўлжаллаб намойиш этилмоқда.

Қуйдаги ҳолатлар боланинг таълим жараёнига вақтинча масофадан жалб этилишига сабаб бўлиши мумкин:

- биринчидан, ўқувчининг ўзи ёки унинг оила аъзоларидан бири COVID-19 билан касалланиб, вақтинча даволанишда бўлса;
- иккинчидан, ўқув йили давомида ўқувчи ёки ўқувчилар орасида коронавирус аниқланиб, синф ёки мактаб вақтинча карантинга олинса;
- учинчидан, вақтинча бошқа жойда ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаган мактабларнинг ўқувчилари онлайн таълим олишлари мумкин.

Теледарслар Халқ таълими вазирлигининг “Online-Maktab” лойиҳаси расмий канали орқали (<https://t.me/uzedonline-maktab>) ҳам бериб берилди.

## Мактаб формаси масаласида истисно ҳолат жорий этилди

Мактаб формаси масаласи ўқувчилар ҳамда ота-оналар учун долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Чунки бу бола руҳияти ва дунёқарошига, билим олишига бевосита таъсир этадиган масала.

Бугунги глобаллашув замонида ўқувчининг бутун фикри-зикрини билим олишга жалб этиш, уни таълим олишдан қалбига тўлиқ қўйишга қаратилган турли тўсиқларни бартараф қилиш ҳар қачонгидан мураккаблашиб бормоқда.

Шу боис мактаблардаги болалар ўртасида табақаланишнинг олдини олиш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ҳамда болаларнинг фикрини ўқишга йўналтириш мақсадида мактаб формасини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинганидан кўнчилик хабардор.

Унда Ўзбекистон Республикасида аҳоли турли мйлат ва диний конфессиялар вакилларидан иборатлиги ҳамда мажбурий

умумий ўрта таълим дунёвий характерга эгаллиги муносабати билан ўқувчиларнинг мактаб формасига турли дин ва конфессиялар ҳамда турли субмаданиятларга мансубликни акс эттирувчи элементларни (ҳижоб, кипа, каша, хоч ва бошқалар) қўйишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Ушбу масалада жорий ўқув йилидан истисно ҳолат татиқ қилинмоқда. Яъни миллий қадриятларимизни инобатга олган ҳолда қизларнинг мактабда оқ ва очик рангларда миллий рўмол (бошинг орқа томонидан ўралган ҳолатда) ва дўпдипа бўлишларига руҳсат этилади. Бу юртдошларимизни мамнун қилгани бор гап. Зотан, маънавий таҳдидлар кучайган ҳозирги кунда миллий қадриятларимизга монанд либослар ёшлар таълим-тарбиясида асқатишига шубҳа йўқ.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

# АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЎБИ

Аниқ ҳисоб-китоблар асосида тайёрланган материаллар жорий йилнинг 10 август куни давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди. Пировардида мазкур лойиҳани кечиктирмасдан шу йилнинг ўзига бошлаш юзасидан алоҳида қарор қабул қилинди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги биносида “Сурхондарё вилояти аҳолисининг ичимлик сув таъминотини “Тўполанг” сув омбори манбалари ҳисобига яхшилаш” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кайд этилганидек, лойиҳа ҳужжатлари “Гидропроект” АЖ томонидан етакчи хорижий лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Қурилиш ишлари Сурхондарё вилоятининг маҳаллий корхонаси томонидан амалга оширилди. Умумий қиймати 138 млн. долларни ташкил этадиган ушбу лойиҳа учун маблағ республика бюджетидан ажратилди.

Маълум қилинишича, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш жуда оғир аҳволда. Бугунги

кунда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 55,4 фоизни ташкил этади, ҳолос. Ичимлик суви, асосан, ер ости суви манбаларидан етказиб берилаётганлиги сабабли, ҳозирги кунда сув олиш ҳажми камайиб, қаттиқлик даражаси ортиб бормоқда. Хусусан, Термиз шаҳрида бугунги кунда ичимлик сувининг қаттиқлик даражаси 7 дан 12 мг/литргача етган.

Олимларнинг таъкидлашича, инсон организмнинг 80 фоизи сувдан иборат. Демак, инсон ҳаёт кечириши учун сув энг муҳим ва бирламчи озуқа ҳисобланади. Аммо шунга қарамай, дунёдаги 1,2 миллиард киши тоза ичимлик суви етишмайдиган оғир ҳудудларда истиқомат қилади. Бу рақамларни ҳаёбат келтирмадик. Тоза сув қадри, қимматини бу неъмат тақчил бўлган ҳудудларда яшовчилар яхшироқ билишади. Сурхондарё вилоятининг чўл ҳудуд-

ларида аҳолини узоқ йиллардан буён тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келади. Баъзи туманларнинг сув манбаидан узоқлиги ёки ер ости сувининг мавжуд эмаслиги сув таъминотида қийинчилик туғдираётган эди. Эндликда мазкур лойиҳага кўра, вилоятнинг Қумқўрғон, Бандихон, Қизирик, Шеробод, Жарқўрғон, Музработ, Ангор, Термиз туманлари ҳамда Термиз шаҳри каби ўндан ортик ҳудудларида истиқомат қилувчи 1,7 миллион аҳолига экологик тоза ичимлик суви етказиб бериш имконияти яратилди.

Республика ҳамда вилоят ишчи гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Саросиё, Қумқўрғон, Шеробод туманларида таълим тоши қўйилиб, юзлаб техникалар ёрдамида қурилиш ишларига киришилди. “Тўполанг” сув магистраль тармоғи бўйлаб диаметри 630 мм.дан 1400 мм.гача бўлган жами 361 км., шундан 199 км. магистраль ва 162 км. сув тақсимлаш иншоотигача бўлган тарқатувчи тармоқлар тортилади. Шунингдек, Саросиё туманида қув-

вати бир кеча-кундузда 100 минг куб бўлган “Тўполанг” сув тозалаш иншооти, Қумқўрғон ва Шеробод туманларида 2 та сув босимини сўндириш иншоотлари қурилади.

2021 — 2023 йилларда амалга ошириладиган лойиҳа доирасида ҳудудлардаги аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилди. Ичимлик суви ўз оқими билан келиши натижа-сида йилга 30 млрд. сўмлик 66 млн. кВт/соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Лойиҳа учун ажратилган маблағларнинг қарийб 70 фоизидан ортиги металл қувурларни харид қилиш учун сарфланади. Яъни ушбу лойиҳа тўлиқ ижтимоий лойиҳа бўлиб, ўндан пудрат ташкилотни фойда қўриши назарда тутилмаган.

Айтиш жоизки, вилоятда сўнгги 5 йилда республика бюджетидан ажратилган 480 млрд. сўм маблағ эвазига қарийб 2 минг км. ичимлик сув

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кулаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обушани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳама оператор А. Исмаилов томонидан сақдланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6